



Ishonch

Бугун биз халқимизнинг асрий орауси бўлган, инсон том маънода эркин, озод ва фаровон яшайдиган фуқаролик жамияти асосларини барпо этар эканмиз, бу эзгу мақсадга эришиш йўлида жонкуяр ва фидойи опа-сингилларимизнинг ўрни ва таъсири тобора ортиб бормоқда.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси газетаси

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqarib boshlagan

Дилбар ЖАҲОНГИРОВА,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси

Аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда касба уюшмаларининг ҳамкорлиги

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда «Аёллар: меҳнат бозори ва бандлик» мавзуда халқаро семинар ўтказилишининг ташаббускорларидан бири бўлди.

Мазкур форумда:

- аёлларнинг меҳнат бозоридоғи аҳоли ва мақомини кўриб чиқиш;
- ижтимоий меҳнат соҳасида гендер тенгликни таъминлашнинг долзарб муаммоларини муҳокама қилиш;
- аёллар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича давлат, касба уюшмалари ва иш берувчиларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш йўлини белгилаб олиш;
- иштирокчиларни халқаро ташкилотларнинг нуқтаи назари, хорижий ҳамкасбларнинг тажрибаси билан таништириш;
- фаолиятимизнинг ушбу муҳим йўналишдаги вазиятни яхшилаш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб Ўзбе-

кистон Президенти Ислом Каримов халқ хоҳиш-иродасини ифода этиб, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланувчи очик демократик давлат қурилиши ва фуқаролик жамияти шакллантирилишини эълон қилди.

Ўзбекистон Конституциясида мамлакатимизнинг барча фуқаролари бир хил ҳуқуқ ва эркинларга эга экани, улар жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий маъқадан қатъий назар, қонун олдида тенглиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Бугунги кунда республикамизда аёлларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, меҳнат фаолиятини оилавий мажбуриятлар билан биргаликда олиб боришга шaroит яратиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш учун мустаҳкам ҳуқуқий негиз яратилган.

Фуқаролик, Оила ва Меҳнат кодекслари ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Ўзбекистон Республикаси Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шакллари

барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенцияга, Халқаро меҳнат ташкилотининг Бир хил қийматга эга бўлган меҳнат учун эркак ва хотин-қизларни тенг рағбатлантириш тўғрисидаги, Меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги камситишлар ҳақидаги конвенцияларига қўшилган экан, ўз зиммасига аёлларга нисбатан камситиш сифатини юртмаслик мажбуриятини олган ҳамда шу мақсадда аёлларнинг ҳуқуқларини юридик ҳимоя қилиш белгиланган тегишли қонун ҳужжатларини қабул қилган.

Буларнинг барчаси давлатимиз томонидан мамлакатимизнинг иқтисодий, илмий, маданий ва маънавий қудратини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган аёлларга эътибор ва ғамхўрлик кўчайтирилиши учун мустаҳкам асос ва имкониятлар яратди.

Президент Ислом Каримов: «Халқимиз, миллатимиз тарихида аёлни асраш, унга ғамхўрлик қилиш, унинг саодати учун тўхтун бойлигини, керак бўлса ҳатто жонини фидо қилиш мард киши учун нафақат шеърый дostonларда, балки ҳаётда ҳам шараф ҳисобланган. Қанчалик ғамхўрлик

қилмайлик, биз доимо улардан қарздор-миз», деб таъкидлайди.

Бугунги кундаги устувор вазифалардан бири — аёлларнинг жамиятдаги маъқени ошириш, фаолияти ва турмушини яхшилаш учун шaroит яратиш, жамиятда кечаётган барча ўзгаришларда уларнинг фаол иштирок этишини таъминлаш йўлида саъй-ҳаракат, интилиш ва имкониятларни бирлаштиришдан иборат.

Бу аёлларнинг оиладаги, турмушдаги, ёш авлодни тарбиялашдаги, давлат ва жамият қурилишидаги, маданият соҳасидаги роли ва қўшаётган ҳиссасини нафақат тан олиш, балки муносиб баҳолаш ҳамда мамлакатнинг порлоқ келажагини бунёд этишда аёлларнинг туганмас салоҳият ва имкониятларидан фойдаланишга интилиш ҳамдир.

Маълумки, меҳнат соҳасида гендер ёндашув — жинсидан қатъий назар меҳнатқашларнинг ҳақиқий тенглигига эришиш мақсадида фаолиятнинг барча турларида тенглик муаммоларини интеграциялаш воситаси ҳисобланади.

(Давоми 3-бетда)

Тараққиёт ва фаровонлик манзаралари

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Хоразм филиали, «Хоразм телеком» филиали ва Хоразм вилояти Матбуот тарқатувчи шўба корхоналарида жамоа шартномаларининг 2008 йилдаги ижросига бағишланган конференциялар бўлиб ўтди.

Ижроси билан кучли

Конференцияларда жамоа шартномаларининг бажарилишини назорат қилувчи комиссиялар далолатномалари ўқиб эшиттирилди. «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Хоразм филиали директори О.Раҳимов, «Хоразм телеком» филиали директори О.Оллаберганов, Матбуот тарқатувчи шўба корхонаси бошлиғи О.Қурбонов ҳамда бошланғич касба уюшма кўмитаси раислари маъруза қилдилар.

Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Т.Назаржонов, Хоразм вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси муовини О.Болтаев ва алоқа тизими ташкилотларининг раҳбарлари ходимларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

М.Тўрабоева,
«Ishonch» мухбири

Янги sanoat korxonalari barpo etish, mavjudlarini modernizatsiyalash muvaffaqiyatlar omili. Samarqand viloyatida ana shu muhim masalaga alohida e'tibor qaratilayapti.

Истиқбол сари

Тараққиётга хизмат қилувчи sanoat korxonalarining soni amaldagi yilda yana 60 taga oshadi. 29 ta korxonada esa modernizatsiyalashni amalga oshirishni muljalalanayti. Keng kulamli izlanishlar bo'is tayёр maxsulot ishlab chikaruvchilar safi yanada kengayadi. Yana 3400 nafar odamni tarmoqqa ishga jalb etish imkoniyati yaratiladi.

Н.Шамсиев,
«Ishonch» мухбири

Andijon viloyati markazida «Royal» mehxonxonasi qad rostladi. Binoni xususiy tadbirkor Mayramxon Qoraboeva ўз mablagi va bank krediti hisobidan barpo etdi.

Тухфа...

Mehxonxona majmuasida oshona-restoran hamda ўquv masanlari mavjud bo'lib, bu 50 ta yangi ish ўrinlari ochish imkoniyatini yaratdi.

Хотамжон Қосимов бошлиқ қурувчилар гуруҳи ушбу ишоотни шаҳар ахлига байрам тухфаси сифатида тақдим этишди.

А.Юнусов,
«Ishonch» мухбири

Республика «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси ва вилоят хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган oilalarga қим-матбаҳо совғалар топширилди.

Саховат

— Саховат — кўнгил зийнати, — дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Инобат Каримова. — Шу боисдан ҳам «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури асосида тез-тез хайрия тadbirlari ўтказилмоқда.

Воҳанинг Шаҳрисабз, Китоб, Қамаш, Чирокчи, Яқкабғо туманларида хотин-қизлар билан мулоқотлар уюштирилиб, эҳтиёжманд oilalarga моддий ёрдам кўрсатилди.

Йилнинг ўтган даврида ташкилотлар ва хомийлар томонидан 28 мингдан ортиқ фуқарога 1,5 миллиард сўмлик совғасаломлар, қорамол ва парранда тарқатилиб, Меҳрибонлик, Мурват ва Саховат уйлари жамоаларига 19,7 миллион сўмлик кўмак берилди.

Иzzат ХИҚМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Маргилон шаҳар «Хунарманд» уюшмаси қошида «Камолот» ЕИХ шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда «Еш хунармандлар» ўқув машғулоти ўтказилди.

Имконияти чекланган ёшлар касб-хунар ўрганишмоқда

— Мазкур лойиҳанинг мақсади асосан имконияти чекланган ёшларни касб-хунарга ўргатишдан иборат, — дейди ЮНЕСКОнинг Фарғона вилоятидаги хунармандчилик бўйича координатори, «Ўзбекистон белгиси» нишонини соҳиби Раулжон Мирзааҳмедова. — Фарғона шаҳридаги имконияти чекланганлар учун иختисослаштирилган республика касб-хунар коллежи ҳамда Маргилондаги 1-Меҳрибонлик уйи жамоаси билан ҳамкорликда иш олиб бораёلمиз. Уларнинг тавсиясига асосан коллеждан 18 нафар, 1-Меҳрибонлик уйдан 16 нафар ёшлар турли касбларни ўзлаштирмоқда.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Маҳалланг — отанг-онанг

Аҳолига қулайлик

Бандликка кўмаклашиш мақсадида Тошкент тумани Қизғалдоқ қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Алишер Навоий номли маҳаллада ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Уйда ўтириб қолган хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида яқинда маҳалла марказида тикувчилик цехи очилди. Бу ерда тайёрланган замонавий трикотаж маҳсулотлари, парда, келин-куёв кийимлари ҳамда касаначилик маҳсулотлари пешма-пеш ўз харидорларини топмоқда. 60 нафарга яқин хотин-қизларнинг ўртача ойлик маоши 100-200 минг сўмни ташкил этапти. Шунингдек, маҳалла гузарида аҳолининг узогини яқин, оғирини енгил қилиш йўлида замонавий тайёр кийим, гўзаллик салони, компютерхона, кундалик харид ва қурилиш моллари дўкони қурилиб фойдаланишга топширилди. 200-250 ўринли тўйхонада туғилган кун, байрам тadbirlari ҳамда никоҳ тўйлари ўтказилмоқда.

— Бу ерда ишлаб устозларимиздан кўп нарсаларни ўргандик, — дейди ёш чевар Феруза Усмонова. — Қолаверса, тайёр маҳсулотларимизнинг харидоригир бўлиши ҳам бизни қувонтирмоқда.

Маҳаллада ободонлаштириш ишлари ҳам тўғри йўлга қўйилган. Дарахтлар оқланган, янги кўчатлар тобора барқ урмоқда.

— Ҳозирги кунда маҳалламизда 460 та хонадон бўлиб, уларда 3000 га яқин аҳоли истиқомат қилади, — дейди фуқаролар йиғини раиси Эргаш Маҳаматов. — Уларнинг хоҳиш-истагини инобатга олиш бизнинг бурчимиз. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили зиммамизга катта масъулият юклайди. Шундан келиб чиқиб, аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида бир қатор маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини фойдаланишга топширдик. Шунингдек, дўконлар ёнидан кичик бозорча очмоқчимиз.

Дарвоқе, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш чора-tadbirlari кўрилмоқда. Маҳалла худудидаги мактаб спорт мажмуаси ҳамisha спортнинг турон яққақураши билан шугулланувчилар билан гавжум.

Нарзулла МАҲАМОВ




Раҳмиддин фермер

«Ташаббус — 2009» ғолиби

Кумкўргон туманидаги «Чорвадор» фермер хўжалигининг раҳбари Раҳмиддин Шароповни кўпчилик «Раҳмиддин фермер» деб атайти. У камсуханлиги ва меҳнатсеварлиги боис элнинг кўнглидан жой олди. Ушбу хўжаликни оёққа тургазишнинг ўзи бўлгани йўқ. Нурмамат Мирзаев фермерлар уюшмаси худудида хароб бўлиб ётган иморатни чўгдек қилиб таъмирлатди. Миллий банкнинг «Кумкўргон» бўлимидан 200 млн. сўм миқдоридан кредит олди ва пуlining ярмига Польшадан «Гольшттейн» зотли қорамоллар келтирди.

Меҳнатдан қадр топаётганлар

боқилапти. Раҳмиддин фермер ўзлари етиштираётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни ҳам йўлга қўйди. Бунинг учун кредит хисобига Исроил ва Италиядан сутни қайта ишлайдиган мини технология олиб келиб ишга туширди. Бугунги кунда қаймоқ, бринза, кефир ва бошқа маҳсулотлар тайёрланмоқда. Кефир ва қаймоқ полиэтилен идишларда қадоқланапти. Ушбу маҳсулотлар гоёятда харидоригир. Улар мак-



Газетамизнинг иккинчи саҳифасида «Ташаббус — 2009» танлови Республика босқичи қатнашчилари ҳақида хикоялар билан танишасиз.

Хуллас, қўралар молга тўлди. Саъй-ҳаракатлари натижаси уларок ишлари ривожлана борди. 2006 йил 35-40 тонна сут соғиб олинган бўлса, 2007 йили 200 тоннага етди. 2008 йили бу кўрсаткич янада юқори бўлди. Айни пайтда бу ерда 450 бошга яқин қорамол

Рустам ДАВЛАТ,
«Ishonch» мухбири



Тараққиётимиз байроқдорлари

Давр билан ҳамнафас

Бундан ўн уч йил илгари «Ислом Юсуф» фермер хўжалигини ташкил этгандик. 2005 йилдан эса уни «Бунёд Салим Ҳаётжон» номи билан юри- та бошладик. Бултўр 20,1 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 38 центнердан ҳосил йиғиштирдик. Пилла- чилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик ва боғдорчилик тар- моқлари ҳам кўнгилдагидек ривож-



ланмоқда. Ўртача йиллик айланма маблағлар ҳажми 70,6 миллион сўмга, соф даромад эса 25,2 мил- лион сўмга өтди. Ишчиларнинг ой- лик маоши 120-130 минг сўмни ташкил этгани ҳолда, уларга бепул қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам тарқатилди. Олинган даромадлар- дан кам таъминланган оилалар, но- гиронлар, яққа-ёлғизлар ҳам бах-

раманд бўлишди. Фермер хўжалиklarини оптимал- лаштириш жараёнида имкониятлари- миз янада кенгайди. Бугун-эрта 70 гектар майдонга чигит экилади. Унинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтариш режалаштирилган. 10 гектардаги ғалла гуржираб ўсмоқда. Айти пайтда хўжаликда 41 киши ишлаб, рўзгорини тебратмоқда.

Мавжуд техника деҳқонлар юму- шини энгиллаштираётир. Ҳовли- даги тегиримон жамоа аҳли ва қишлоқдагиларнинг қорига яраб турибди. Хуллас, меҳнат орқасидан до- риломон яшаймиз. Вилоят кўрик-танловида саъй- ҳаракатларим муносиб эътироф этилиб, «Энг яхши фермер» деб эъзозлашди. Деҳқон учун бундан ортиқ бахт борми...

Салим ЮСУПОВ,
Бухоро вилояти Жондор туманидаги «Бунёд Салим Ҳаётжон» фермер хўжалиги раҳбари

Бугуннинг одами

«Вера агросервис» фермер хўжалиги раҳбари Ҳомиджон Нейматов ишбилармонлиги ва уддабурон- лиги билан элга танилган инсон. У 2004 йилда 63 гектар ер олиб, чорвачилик ва паррандачиликка ихтисослашган хўжалик ташкил этди. Саъй-ҳаракат- лари ўлароқ, ишлари юришиб кетди. 2008 йилга келиб экин майдонлари 300 гектарга өтгач, хўжалик аъзолари деҳқончилик, боғдорчилик ва сабзавотчи- лик билан ҳам шуғуллана бошладилар.

Меҳнат қилган элда азиз

Мавжуд 221 бош зотдор сигирдан йилига 90 минг литрга яқин сут соғиб олинса-да, уни қайта ишлаш масаласи кўн- дан- кўн бўлиб турарди. Хуллас, фермер бу муаммони өчишга астойдил киришди ва Россиядаги «Урал-Сибир компанияси» билан ҳамкорликда сут ҳамда гўшти қайта ишлайдиган «Мо- лочная долина» хўшма корхонасига асос солди. У замонавий технология билан тўла жиҳозланди.


Пировадида корхонада кунига 10 тоннагача сут, 1,5 тонна- гача гўшни қайта ишлаш имконияти яратилди. Айти пайтда бу ерда 20 турдаги сут ва 11 хил гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Кувонарилиси, мактабгача тарбия муассасалари, «Меҳрибонлик» ва «Саховат» уйлари, завод-фабрика ишчи-хоти- млари ҳам ушбу маҳсулотлардан баҳраманд бўлишаётир.

— Бугунги кунда паррандачилик цехи, сабзавот маҳсулот- лари өтиштиришга ихтисослашган иссиқхоналар, 800 бош қора- молга эга чорвачилик фермасида жами 221 нафар киши меҳ- нат қилаётти,— дейди Х.Нейматов.— Келгусида балиқчилик, асаларичилик тармоқларига ҳам эътибор қаратмоқчимиз.

Хуллас, иш юксалгандан юксалиб бораётир. «Вера агросер- вис» фермер хўжалигининг ўтган йилдаги соф фойдаси 260 миллион сўмга яқинлашиб қолди. Хўжалик раҳбари даромад ҳисобидан ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ниятида.

Меҳнат қилган элда азиз, дейдилар, Сергайрат ва уддабу- рон фермер «Ташаббус — 2009» кўрик-танловининг вилоят босқичида ҳамкасблари ўртасида энг юқори кўрсаткичга эри- шиб, голибликни қўлга киритди.

Улуғбек ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири



Савобни ҳар кун қилиш керак

Кўли очикнинг — йўли очик



Кўплар қатори мен ҳам ер олиб, фер- мер хўжалиги ташкил өтдим. Рости, бошда осон бўлгани йўқ. Тин- нимсиз изландик, ма- шаққатли меҳнат қил- дик. Бугунги кунда 128 гектар майдонда деҳқ- ончилик қилаймиз. Шун- инг 57 гектарига ғалла, 30 гектарига пахта экилмоқда. Ўтган йили ҳосилдорлигимиз 50 центнердан өшди. Йил юз миллион сўм соф фойда билан яқунланди. Шунингдек, хўжалиги-

мизда 110 бош зотдор қорамол боқиб, имкон қадар чорвачи- лик маҳсулотла- ри ҳам өтишти- раялмиз. Кўли очикнинг — йўли очик деганлари- дек, саховат кўрса- тиб, савоб олаётимиз. Кейинги икки йил даво- мида кам таъминланган оилаларга 9 бош қора- мол, 26 туёқ ушоқ мол, 5 тонна бугдой тар- қатдик. Бу йил ҳам режалари- миз улкан.

«Ташаббус—2009» тан- ловининг вилоят босқи- чида голиб, деб топил- ди. Уша кунни ҳаётимда- ги бахтиёр кунлардан бири деб ҳисоблайман.

Бахтиёр САФАРОВ,
Қашқадарё вилояти Миришкор туманидаги «Сафар ота» фермер хўжалиги раҳбари

Замондош

Хўжалигимиз пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисос- лашган. Чамалаб кўрсақ, имкониятларимиз бор экан. Банкдан 150 миллион сўм миқдорда кредит олиб, Исроил технологиясига асосланган сут маҳсулотлари- ни қайта ишлайдиган кичик корхона ташкил өтдик. Ўтган йили 602001 минг сўмлик ҳажмда иш бажарил- ди ва 49.948 минг сўм соф фойда өлдик.

Марра

югурганники...

Кичик корхона тўла қувват билан ишлаётти. Халқ таъ- лими, соғлиқни сақлаш тизимидаги муассасаларга ва ви- лоят, туман савдо шохобчаларига ҳар кунни қадоқланган қаймоқ, пишлоқ, қатик, сариёғ, творог сингари ўн турда- ги маҳсулот өтказиб берилаётти.

Шунингдек, чекка қишлоқларда аҳолига сервис хизма- тини йўлга қўйиш мақсадида АЕКШ, автомобилларга тех- ник хизмати кўрсатиш шохобчалари барпо өтдик.

«Ташаббус — 2009» танловида «Йилнинг энг яхши фер- мери» йўналиши бўйича вилоят босқичи голиби бўлган- нимдан кўнглим тоғдек юксалди.

Дўстмат ҚОДИРҚУЛОВ,
Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги «Уста Сафар ота» фермер хўжалиги раҳбари



ИНТИЛГАНГА — ТОЛЕ ЁР

Эсимни танибманки, даладаман. Мактабда муаллим- лик қилиб юрган кезларим ҳам дарсдан бўшаган заҳо- тим далага югурардим.

Истиклол ерга эгаллик ҳиссини уй- готди. Деҳқон қизи эмасманми,

кўнглимда мудраб өтган орзу-истак- лар бош кўтарди. 2003 йили 20,5 гектар ер олиб, «Юсуф Тилло» фермер хўжалиги- ни ташкил өтдим. Албатта, дастлаб ишни бошлаш осон бўлмади. Бироқ тинимсиз изланиш, она за- минга, меҳнатга меҳр ғалаба қилди. Пировадида ҳар йили шартнома ре- жалари ортиги билан урдаланди.

Айти пайтда хўжалигимиз ер майдони 114,5 гек- тарга кенгайди. Асосан ғалла ва пахта өтиштиряймиз. Икки ярим гектар- га яқин богимизда сархил мевалар мўл. 30 нафар ишчи фидойилик билан меҳнат қилгани учун рўзгорлари ба-

дастир. Эндиликда чорвачиликни, мавжуд маҳсулотларни қайта ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятидаимиз. Бу эса табиий ра- вишда яна камида 15 иш ўрни яратиш демакдир.

Маълумки, техни- ка инсон меҳнатини энгиллаштиради. Шу боис даромад эва- зига «МТЗ», «Олтой» тракторларини соти- б олганмиз. Яна лизинг асосида «Бе- лорус-80» техника- сини олиш учун хўжатлар ҳозирлан- япти.

Хуллас, орзу-ни- ятларимиз бисёр, уйлайманки, астойдил меҳнат қилсақ, забт этиб бўлмайдиган чўкчи йўқ.

Нигора ТУРАЕВА,
Хоразм вилояти Кўшқўйир туманидаги «Юсуф Тилло» фермер хўжалиги раҳбари

ЭЪТИРОФ

Роҳатбек Тўртқўл қишлоғининг асири. Бу гўша- нинг сўлими табиати, хушбўй гиёҳлар, тоза ҳаво, қўйиники, беқиёс гўзаллик кўнглини юксалтиради. Шунинг учун ҳам тадбиркор 2007 йилда «Избоскан асали» фермер хўжалигини шу ерда бунёд өтди.

гишли асбоб-ускуналар билан таъминлаш, асаларичилик ўқув курсларини ташкил этиш каби ваазифалар ҳам урдала- няпти.

Ҳозиргача 5 та фермер хўжалиги 23 та стацио- нар, 69 та асалари оилалари қуриб берилди. Фойда- нинг қисми саховат ишла- рига сарфлан- моқда. Хусу- сан, Жомий номли маҳалла фуқаролар йи- гинида истикомат қиладиган кам таъминланган бир оила- га қорамол, 10-ўрта мактаб- даги боқувчисини йўқотган ўн нафар ўқувчининг ҳар бирига 50 минг сўмдан пул, ногирон бир болага 540 минг сўмлик компьютер, Шерматобод ма- жалласида жойлашган «Хоти-

Асаларичилик


ра хиббони» таъмири учун 500 минг сўм маблағ ажра- тилди.

— Келгусидаги режалари- миз янада улкан,— дейди Р.Тўйчиев.— Маҳсулотлари- мизни янгитехнологиялар асосида қадоқ- лашни ният қиляймиз. Яна Андижон, На- манган минтақа- вий ўқув маркази билан ҳамкорликда интернет орқа- ли соҳага оид маълумотлар- ни йиғиб бориш, асаларичи- лар саводхонлигини ошириш мақсадида маҳсул ўқувни йўлга қўйишни режалаштира- яймиз. Андижон шаҳридаги «Жаҳон бозори» ҳамда «Эски шаҳар» бозорларида 2 та сав- до дўкони очиб, уларни жи- ҳозлаш, нарх-навони легал-

лаштириш, «Меҳрибонлик» ва «Муруват» уйларига ҳомий- лик ёрдамлари кўрсатишни амалга оширмақчимиз.

«Ташаббус — 2009» танло- вининг «Энг яхши фермер» йўналиши бўйича ташаббускор Роҳатбек Тўйчиев Избоскан туман ва вилоят босқичлари голиби деб эътироф этилди.

Шарофат НОРҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири



Дастлаб уч киши бўлиб иш бошлаган бўлсалар, бугунги кунда уларнинг сони 25 нафарга өтди. Ўртача йиллик айланма маблағи эса 28 млн. сўмдан өшиб кетди. «Избоскан асали» тобора кенгайиб, сөртармоқ хўжаликка айланиб бораёт- ти. Жамоа айти пайтда асални қайта ишлаш, ду- радгорчилик билан ҳам шуғулланмоқда. Тикувчи- лик цехлари ишлаб туриб- ди. Шунингдек, бошқа фермер хўжаликларига (шартнома асосида) стаци- онар ҳамда кўча ари ин- ларини өтказиб бериш, те-



Соҳибқирон сиймосига эҳтиром

Бу йил Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 673 йиллиги кенг нишонланади. Айни кунларда Халқаро Амир Темур жамғармаси ҳам бу борада кўплаб эътиборга лойиқ ишларни амалга оширмоқда.

Шунингдек, ҳар йили Республика ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва Темирийлар тарихи Давлат музейи билан ҳамкорликда «Амир Темур танлови» ҳам ўтказиб келинмоқда. «Қишлоқ тарихи ва фаровонлиги йил»га бағишланган бу йилги танловнинг асосий мақсади мамлакатимиздаги академик лицей, касб-хунар коллежалари ўқувчи ёшлари орасидан Амир Темур фаолиятини ўрганувчи, тарғиб қилувчи иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларни рағбатлантириш ва келажакдаги фаолиятларини қўллаб-қувватлашдан иборат.

Яқинда жамғарма бошқаруви раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али томонидан «Амир Темур солнома-си» китоби ҳам нашр этилди. Ушбу китоб крилл ва лотин

алифбосида тайёрланиб, асосан мамлакатимиз ёшларига тарқатилмоқда.

Аxbототларни тайёрлаш ва уларнинг таъсирчанлигини ошириш, замонавий аxbотот технологияларини қўллаш йўлида изланишлар олиб борилмоқда.

Бунинг учун илмий натижаларни аҳоли ўртасида тарғиб қилишга йўналтирилган, марказлаштирилган «Амир Темур фаолияти» электрон маълумотлар базасини яратиш лозим бўлади. Бунинг учун, Амир Темур ҳақидаги фикрлар мутаносиблиги, ҳаққонийлиги, бирлигини таъминлайдиган компютер усулларини излаб топилгани ҳам амалийта татбиқ этишимизни даврининг ўзи тазкозо қилмоқда.

Шундай марказлашган электрон база яратилса, республикада бу соҳада олиб бо-

риллаётган илмий-амалий ишлар мавзуси, олинган натижаларни йиғиш ва тизимлаштириш, чет элдаги ва республикамиздаги янги кўлэмалар, Амир Темур фаолияти билан боғлиқ нобъ янги топилмалар, мейморий ёдгорликлар, обидалар, чоп этилган илмий мақолалар, китоблар, рисолалар билан аҳолини тезроқ таништириш мумкин бўлади.

Ушбу маълумотлар базаси республикамизнинг ҳар бир ўқув юртига, аxbотот-ресурс марказлари ва маҳалла йиғинларига таъбиқ этилса, Амир Темур ҳақидаги ҳолис аxbототлар ёшларимиз қўлига тезроқ етиб боришига эришган бўламыз.

Исомиддин АБДИРАИМОВ, Халқаро Амир Темур жамғармаси раисининг ўринбосари



Чавандози кўп бу элнинг

Чавандозларнинг ушбу мусобақаларга жиддий ҳозирлик кўришгани учун кун давомида яққол исботини топди.

Тошкент шаҳри ва вилоятдан иккитадан, Андижон, Фарғона, Наманган ва Сирдарё вилоятларидан биттадан жамоа ўрта-сиддаги баҳс якунида пойтахтликлар биринчи, Тошкент вилояти иккинчи, фарғоналик ва сирдарёликлар учинчи поғонани банд этди.

Ўсмирлар биринчилигида эса чапдаст чавандозлар юрти — Фарғона вилояти улоқчиларига тенг келадиган топилмади. Сирдарёликлар иккинчи, Тошкент шаҳри ва Наманган вилояти жамоалари учинчи ўриндан жой олишди.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб ташкил этилган улоқ-кўпқари турнири «Аэро-Сервис» Россия-Ўзбекистон қўша корхонаси бош ҳокимилигида ўтди.

Таъкидлаш лозимки, қўшни республикалар, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан келган чавандозларнинг сони анча салмоқли эди. Бақовуллар солимини солаверди, билагида кучи бор, отлари ёддор чавандозлар уни ҳаллолаб олаверди. Улоқни эгарга боғлаганлар, фирромлик қилишга чоғланганлар армонда қолаверди.

Гилам-у зарбоф чопонлар, турли-турли магнитофонлар, DVD ёхуд «ойна жаҳонлар» ўз эгаларини топди. Чавандозлар юқори ва пастки маррага мириқиб улоқ чопди... От ақли жонивор. Унинг кўп эзгулиги бор. Эгасига ризқ сўрайди, барак-ю кут тилайди. Шу туфайли ҳам дунёда энг кўп хайкал ҳам отга қўйилган. Наманган деган техникларнинг кучи ҳам айнан от кучи билан ўлчанамди. Хуллас, отга меҳр қўйган инсондан ёмонлик чикмайди.

«Аэро-Сервис» Россия-Ўзбекистон қўша корхонаси бош директори Алишер Мирзаев мардлар спорт тури ҳисобланмиш — улоқ-кўпқарини ривожлантиришга ҳисса қўшишни дилига тугди. Чунки отасининг кўпқарига, отга меҳри бўлакча эди.

Отаси Раҳматулла ҳожи (раҳматли) нафақат ўзи отни севади, балки фарзандлари Муродулла, Маматбек, Алишер, Сайдулло, Сайдуллолар кўнглида жониворга меҳр уйғотди. Авлоддан-авлодга ўтиб келадиган аънаъна туфайли бугун ака-укаларнинг фарзандлари ҳам бундай меҳр-муҳаббат, одамилиқ, отдан мерос қолган ҳалоллик ака-укаларни элга ёндoshiлши, хайрли ишларга чорлаб туради...

Улоқ-кўпқари... Минг йиллардан буён ўйналиб келинаётган севимли ўйинимиз бугун спорт турига айланган. Қоидалари спортга мослаштирилди. Жойларда Ўзбекистон улоқ-кўпқари федерацияси бўлимининг ишлари кетяпти. Очимаган ҳудудларда бўлимлари очиб ҳаракатлари давом этмоқда.

Улоқ — осон ўйин эмас, кўрқмас ва чиниққан инсонлар баҳси. Унда нимжон чавандоз ёки отга «нон» йўқ. Ҳеч кузатганмисиз, бир зарби бўрини ўлдирадиган камчиларнинг кўпқарида муҳим ўрни бор. Зарбдан отнинг жони ачибди, баданидан ҳовур кўтарилиб, минглаб тулпорлар орасидан мардона ёриб чиқадики, бу жасоратни кузатиш барчага бирдек ёқади.

Пискентдаги улоқ-кўпқарининг доврғи ҳам бутун Марказий Осиёга ёйилди, десак муболага бўлмайди. Бир ёғи Андижон, бир томони Бешариғи Марғилон, Тўрақўрғон Наманган, Фарғона-ю Тошкент, Сирдарё-ю Чимкент... Ҳар гушадан келган чапогон, ҳаммасининг дардига голиблик дармон. Ополмас юракда армон. Жарчининг овози узоқ-узоқларга эшитилади: «Отингни янги маррага тайёрла, янги солим қўйилмоқда, ҳалолла! Улоқни ерга ташла, зотни айтаман. Бориб оласан, бир магнитофон, зарбоф тўн, келиб оласан бир магнитофон, зарбоф тўн! Олқиш бўлсин ҳаллоллаб олганинг-чун! Ҳах, қўймайсан, ҳалоллайсан!»

Ишқибозларнинг қийқиригидан чавандознинг да, отнинг да кучига кўн қўшилади. Чавандозлар қуршови, отнинг олға қичови, каммас бирдан бирови. Ҳалолласа, олиб чиқса, бўлар элнинг қуллови!

Тошкент вилоятдан Раҳматулла ва Соипназар Усмонов, Чирчиқ шаҳридан Абдуғани Курбанов, Бўстонликдан Мирза Абдурашулов, Тошкент шаҳридан Абдуғани Маликов, Тўрақўрғондан Карим ва Ботир Максимибеков, Жиззахдан Булис Нисозов, Шертой Сувонов, Чимкентдан Нож полвон, Абдуҳоллик чапогон, Андижондан Сулаймонкул Мамасолиев, Самарқанддан Бердиёр полвон, Сурхондарёдан Маннохон Эшон улоқни маррага олиб чиқди. Тулпори зўр, ўзлари голиб чиқди.

Ҳакамлар ҳайъати ҳулосасига кўра, Соипназар Усмонов, Тошкент шаҳри вакили Рустам Курбаналиев, Наманганлик Карим Максимибеков турнирнинг энг кучли спортчилари деб топилди. Уларга рангли телевизорлар берилиб, эгнига тўнлар ёпилиди.

Хуллас, Наврўз айёми кунлари қадимий ўйинимиз яна бир бор муҳлисларга завақ-шавақ улашди, оти йўқнинг от боқишга ишқи ошди. Ҳомийлар этган тортиқ, совринлар қолди ортиб... Юқорига ўн беш марра, пастга яна ўн беш, бир ажойиб улоқ бўлди, кўрмаганида ҳеч киши. Ҳасан отбоз, Бахш отбоз ҳамда Мурод чавандоз, тулпорлари бир отларки тазрифлашга сўз оз. Андижондан Сулаймон алп, Жиззахдан Шертой, Тулқин, Бўстонликдан келган Фани, тўхтатмоқ ани қийин... Пойтахт шаҳар пахлавони Абдуғани аззамат, Малик бобо набираси тулпори кучли, чапдаст... Чортоқ замин ўғлонлари Дониёр, Элёр, Сунунбек, маррани ёриб чиқишда шиддат-шавки қуюндек... Бахшилар дўмбарага олса арзийдиган туй, элнинг ўлмас кўпқариси қўшиққа муносиб куй...

Оқшом чўққанда кўпқари тугади. Аммо одамлар тарқай қолмади. Чунки бундай кўпқарининг тез-тез бўлиб туришини истаётганлар улар.

Жўрақўзи Турдиматов, Ўзбекистон улоқ-кўпқари федерацияси бош қотиби:

— Мусобақаларнинг юқори савияда ўтишида кўплаб корхона ва ташкилотлар кўмагини аямади. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Тошкент вилояти ва Пискент тумани ҳокимлиги, Очқ турдаги Тошкент ҳудудий «Автотехниз-мат» акциядорлик жамияти, «Акромхон» хусусий корхонаси, пискентлик хусусий от эгалари шулар жумласидандир.

Фахрий чавандозларимиз Ҳайрат Омонов, Исмоил Турдибоев, Мурод Мирзаев, Ерқун отбоз, Маъмур чавандоз ёшларга отларни тайёрлаш, уларни парваришлаш, турли касалликлардан муҳофаза этиш, насли тулпорларни қўпайтириш борасида қимматли маслаҳатлар беришди. Уйлайманки, бу каби мусобақа ва тадбирлар нафақат миллий спорт туримиз бўлган — улоқ-кўпқарининг ривожига ҳисса қўшади, балки ёшлар орасида отга бўлган ишқибозликни ҳам оширади.

Акmal АбДИЕВ



«Ўзбекистоннинг Намоён қил!»

«Бобурнома»да куйидаги сўзларни ўқидим: «...Дизакта чучук қовунлар ва яхши узумлар фаровон: «Уч-тўрт кун Дизакта истироҳат қилдуқ...»


Шоҳ ва шoir бобомизнинг бу сатрлари Жиззахга қанчалик меҳр қўйганидан далолат. Айниқса, унинг қалами билан зикр этилган «фаровон» сўзи дилга яқин. Маълумки, «фаровонлик» сўзи изоҳли лугатимизда ҳар жихатдан тўла-тўқис таъминланган, ҳамма нарсаси мўл-кўл, тўқ ва бардам деган маъноларни англатади.

Ҳазрат Навоий йилнинг келиши унинг баҳорига боғлиқ, деб лутф айлаганлар. Бугун республикамиз, хусусан, Жиззах воҳасини сайр этсангиз, улуг аждодларимизнинг туйғуларига ошно бўласиз. Жиззахлик ҳассо шoir Хамид Олимжон ёзгандай: «Новдаларни бегаб гунаҳлар, тонгда айтиди ҳаёт отини...» Сарҳадсиз бугдоярлар, боғлар, уруғ қадалаётган она ер, ҳамма-ҳаммаи тўқинчиликдан дарак бераёпти. Ешу қари, бола-бақра, келинчақларнинг лабларида қулғу, юзларида табассум! Улар кийган миллий либосларга бир назар солинг. Жуда ярашиб турибди.

Пардабой ТОЖИБОВ

Ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун аънаваний IX халқаро турнир олдидан

Термиз полвонларни чорлайди



Элимизнинг азал-азалдан курашга бўлган қизиқишини инobatга олиб, 1993 йилда Термиз шаҳрида икки йилда бир марта Ал Ҳаким ат-Термизий хотира турнирини ўтказиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг Қарори эълон қилинганди.

Ўзбек миллий кураши бугунги кунда ер юзидagi миллионлаб спорт ишқибозларининг қалбини ром этишга улғурди. Дунёнинг 60 дан ортиқ мамлакатиди кураш Федерациялари ташкил этилганлиги ҳам миллимиз шайнига улғу бир эҳтиром рамзидир.

Аънаваний турнир туфайли дунёнинг доврўкли полвонлари Амударё бўйида шундай кўҳна шахар борлигини билишди. Урол Тўраев, Рустам Эргашев, Эралли Махмарасулов, Махтумқули Махмудов, Тоштемир Муҳаммадиев, Уткир Курбанов, Сухроб Дустов каби мард пахлавонларнинг номи маълумо машҳур бўлди.

— Миллий курашимизни ўз кўзи билан кўрган Жанубий Африкалик, Халқаро Кураш ассоциацияси ижроия қўмитаси аъзоси Сюзет хоним Безенхаут «Ўзбек кураши жаҳонни ўзига махлиб айлади. Бизнинг мамлакатимизда ўзбек кураши кенг тарқалди», деганида минг бора ҳақ эди. Агар ўтган саккизта турнирда иштирок этган полвонлар рўйхатида разм сола-

диган бўлсак, миллий курашимиз деярли бутун дунёни қамраб олганлигининг ғувоҳи бўламыз, — дейди Термиз давлат университети профессори, спорт устаси Жума Топшулов.

Шу йилнинг 10-12 апрел кунлари Термиз шаҳрида бўлиб ўтadиган кураш бўйича Ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланadиган халқаро турнирда 40 дан ортиқ мамлакатлардан кучли полвонлар, шунингдек, мамлакатимизнинг 100 нафардан ортиқ курашчилари гиламга чиқади. Полвонлар 60, 66, 73, 81, 90 кг. вазн ҳамда муллоқ голиблик учун баҳс олиб боришади. Ҳар бир вазн голиб-ларига муносиб совғалар белгиланган. Жумладан, 1-ўрин соҳибига 2 минг, 2-ўрин эгасига минг, 3-ўриндан жой олган полвонга 500 АҚШ доллари насиб этади. Муллоқ голиблик учун эса 1-ўринга ўн минг, 2-ўринга 2 минг, 3-ўрин учун минг АҚШ доллари билан тақдирлаш белгиланган.

Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» мухбири

Йўлсозлар спартакиадаси

«Бухоровайёл» худудий йўл қуриш давлат корхонаси тармоқларида спортнинг оммавийлашувиغا алоҳида эътибор қаратилган. Корхона раҳбарияти ҳамда автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл ҳўжалиги ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоят вакиллиги ҳамкорлигида ана шу тадбирлар доирасида мусобақалар ўтказилмоқда.

Тармоқ ишчи-ҳодимлари яқинда спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси турлари бўйича ўзаро куч синашдилар.

Йўлчилар малакасини ошириш илмий-тадқиқот ишлаб чиқариш ўқув маркази давлат корхонаси бош муҳандиси Ф.Қаюмов (стол тенниси), мазкур корхона касба уюшма қўмитаси раиси М.Еров (шахмат), газлилик Н.Мунинов (шашка) мусобақаларда юқори на-

тижаларга эришишди. Спартакиада голиблари қимматбахо совғалари билан тақдирландилар.

Иzzатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири



Газетанинг 2009 йил 10 мартдаги 30-сонидa чоп этилган хабарномада Республика Кўчас мўлк биржаси томонидан аукцион савдосига чиқарилган автотранспорт воситаларининг «Нексиа» русумли 10 АС 096 бўлган давлат рақами «Нексиа» 14 АС 096 давлат рақами деб ўқилин.



Muassis:	
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi	
Bosh muharrir:	
Abduxoliq Abdurazzoqov	
Tahrir hay'ati:	
Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV	
<small>(Bosh muharrir o'rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV</small>	
<small>(Mas'ul kotib), Ma'mura ADILOVA, Mirzohira SODIQOV, Normamat AILAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirmiqul QODIROV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV</small>	
Bo'limlar:	
Kasaba uyushmalari hayoti	256-87-63
Huquq va xalqaro hayot	256-87-73
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat	256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport	256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash	256-85-43
Reklama va e'lonlar	256-03-90
Manzilimiz:	
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy	
E-mail: ishonch-doverie@mail.ru	
Nashr ko'rsatkichi:	
133	
Navbatchi muharrir:	
N.Rafiqov	
Navbatchi:	
A. Abdullayev	
Musahhih:	
S.Shodiyeva	
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.	
Sahifalovchi: H. Abdullajilov	
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bostmaxonasida chop etildi.	
Korxonana manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.	
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.	
Gazeta oset usulida, A-2 formatida bosildi.	
Hajmi 2 bosma taboq.	
<small>Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.</small>	
<small>«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.</small>	
(b) Tijorat materiallari	
<small>Bosishga topshirish vaqti - 21.00. Topshirildi - 21.30</small>	
Buyurtma G — 314	
<small>18000 nusxada bosildi</small>	
ISSN 2010-5002	
2 5 6	